

ТУҒМА ТАНГЛАЙ ЁРИҒИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Мехринисо Киличевна КАМАЛОВА¹, Содик Шавкатович
РАХИМОВ²

¹ Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти,
т.ф.д., хирургик стоматология кафедраси профессори, Ўзбекистон
ORCID ID 0000-0003-1603-9164

E-mail: mexriniso.stomatolog@mail.ru

² Бухоро Инновацион таълим ва тиббиёт университети,
стоматология кафедраси ассистенти, Ўзбекистон

E-mail: sodik.rakhimov.86@gmail.com

АННОТАЦИЯ. Туғма лаб ва танглай ёриқларини оператив даволашнинг турли усуллари бир неча минг йиллардан буён қўлланилиб келинган. Бирок шунга қарамай туғма танглай ёриғи бўлган болаларни даволаш жарроҳлар учун мураккаб вазифа бўлиб қолмоқда [2,28,33,35]. Ушбу мақолада Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида 2015-2023 йиллар давомида туғма танглай кемтиги билан даволанган болалардаги узок муддатли клиник самарадорлик натижаларига кўра қўлланилган турлича жарроҳлик усуллариининг қиёсий таҳлили келтирилади.

Калит сўзлар: болалар, туғма танглай нуқсонлари, хирургик даволаш усуллари, ороназал фистула, велофарингеал етишмовчилик.

ANNOTATION: Various methods of operative treatment of congenital lip and palate defects have been used for several thousand years. However nevertheless the treatment of children with congenital cleft palate remains a complex task for surgeons. This article will bring a comparative analysis of various surgical methods used in the Bukhara regional children's Multidisciplinary Medical Center according to the results of long-term clinical efficacy in children treated with congenital cleft palate during 2015-2023 yy.

Key words: childrens, congenital cleft palate, surgical methods of treatment, oronasal fistula, velopharyngeal insufficiency.

Муаммонинг долзарблиги: Танглай пластикаси борасидаги биринчи муваффақиятли уриниш 1816 йилда Диффенбах томонидан амалга оширилган [1,3,6,9], ундан кейинги даврларда фон Лангенбек, Эрнст, Львов, Ю.И.Бернадский, А.А.Лимберг, В.И.Заусаев, Бардах, Л.Е.Фролова, Ад.А.Мамедов, М.И.Азимов сингари бир қатор олимларнинг ураностафилопластика бўйича ишлаб чиққан усуллариининг муваффақиятларини кўришимиз мумкин [2,5,11,16,21]. Бироқ ўтказилган операциядан кейинги даврда 3-60% ҳолларда иккиламчи деформацияларнинг учраши оғриқли нукта бўлиб қолмоқда. [4,10,15,23]

Кириш. Туғма танглай нуқсони иккиламчи деформациялар келиб чиқишининг сабаблари бўйича турлича изланишлар олиб борилган. Бир қатор олимлар ушбу сабабларни ўрганиб, беморнинг жинси ва ёриқнинг кенглиги рецидивга таъсир қилмаганлигини, бироқ беморнинг ёшига боғлиқлигини – 1 ёшгача бўлган болаларда иккиламчи деформацияларнинг учраш частотаси (7,8%) 1-3 ёшгача бўлган болаларга (19,4%) нисбатан пастроқ эканлигини аниқлашган (Эмори ва ҳаммуал.) [14,19,27,36]. Бошқа олимлар эса, нуқсоннинг ҳажми катталигида кичикроқ нуқсонларга нисбатан қайталаниш кўпроқ учрашини таъкидлашган ва беморнинг ёши фистула келиб чиқишига таъсир қилмаганлигини кузатишган (Коҳен ва б.). [23,30,32,37] Сабабчи факторлар борасидаги фикрларнинг хилма-хиллиги, бу борадаги изланишларни яна давом эттиришни талаб этади.

Мақсадимиз туғма танглай нуқсони бор болаларда иккиламчи деформацияларнинг келиб чиқишига ўтказилган операция усуллариининг боғлиқлигини ўрганишдан иборат.

Материал ва усулларимиз. Тадқиқотимизни амалга ошириш мақсадида биз Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази Оториноларингология ва Юз-жағ жарроҳлиги бўлимида 2015-2023 йиллар давомида даволанган 222 нафар туғма танглай нуқсони бор болаларнинг касаллик тарихларини ретроспектив таҳлилини ўтказдик. Ушбу болаларнинг

6 ой ва ундан кўпроқ муддатда қайта мурожаат қилгандаги даволаш натижаларини ўргандик.

Натижа ва муҳокамалар. Туғма танглай нуқсони билан мурожаат қилган болалардан 76 нафар беморда А.А.Лимберг усули бўйича радикал уранопластика, 23 нафар беморда Bardach усулида икки лоскутли уранопластика, 81 нафар беморда Л.Е.Фролова усулида уранопластика ва веллопластика, 11 нафар беморда А.А.Лимберг – М.И.Азимов усулида уранопластика, 3 нафар беморда М.И.Азимов усулида уранопластика, 3 нафарида фон Лагенбек усулида уранопластика, 3 нафарида Ад.А.Мамедов усулида уранопластика, 1 нафарида модификациялашган кам инвазив усулда уранопластика, 6 нафарида реуранопластика, 4 нафарида ревеллопластика операциялари ўтказилган.

Туғма танглай нуқсони соҳасида операциядан кейинги иккиламчи деформациялар ороназал фистула кўринишида, юмшоқ танглай чодирининг қисқалиги кўринишида ёки танглай мушаклари етишмовчилиги кўринишида, юмшоқ танглай чодирининг асимметриклиги кўринишида, шунингдек ушбу деформацияларнинг комбинациясида кузатилиши мумкин. Танглай мушаклари етишмовчилиги ва танглай чодирининг қисқалиги ўз навбатида велофарингеал етишмовчилик келтириб чиқарса, ороназал фистулалар жойлашган жойи ва ҳажмига қараб нутқдаги турлича етишмовчиликларни, шунингдек юқори нафас йўлларининг тез-тез касалланиши каби оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Таҳлил натижаларимиз шуни кўрсатдики, 222 нафар туғма танглай нуқсони билан даволанган беморларнинг 37 нафарида – 16,7 % да танглай ороназал фистулалари кузатилган. Шулардан, А.А.Лимберг усулида операция қилинган беморлардан 15 нафарида – 19,7 % да, Bardach усулида операция қилинган беморлардан 6 нафарида – 26,1 % да, Л.Е.Фролова усулида операция қилинган беморлардан 11 нафарида – 13,6 % да, А.А.Лимберг - М.И.Азимов усулида операция қилинган беморлардан 4

нафарида – 36,4 % да, Ад.А.Мамедов усулида операция қилинган беморлардан 1 нафарида – 33,3 % да танглай ороназал фистулалари кузатилган.



Ушбу 37 нафар беморлардан 15 нафарида – 40,5 % да Питтсбург классификацияси бўйича I тип фистула, 16 нафарида – 44,1 % III тип фистула кузатилган бўлса, улардан 8 нафарида I ва III тип комбинацияси кузатилган, 4 нафар беморда – 10,8 % да II тип фистула, 2 нафарда – 0,05 % да IV тип ва 1 нафар беморда – 0,03 % да V тип фистула кузатилган.

Туғма танглай нуқсони иккиламчи деформациялари аниқланган беморлардан 34 нафарида - 91,9 % да юмшоқ танглай мушаклари етишмовчилиги, 21 нафарида – 57,6 % да юмшоқ танглай чодир асимметриклиги, 14 нафарида – 37,8 % да юмшоқ танглай чодирининг қисқалиги натижасида велофарингеал етишмовчилик аниқланган.

Қўлланилган операция усуллари кузатилган асоратларга таъсири ўрганилганда, А.А.Лимберг усулида операция қилинган беморларнинг 10 нафарида – 71,4 % да танглай чодирининг қисқалиги натижасида велофарингеал етишмовчилик аниқланган бўлса, Bardach усулида операция қилинган 4 нафарида – 28,6 % да велофарингеал етишмовчилик аниқланган.

Юмшоқ танглай чодир асимметриклиги кузатилган беморларнинг 5 нафари – 23,8 % бирламчи операцияси Bardach усулида, 13 нафари – 61,9 % А.А.Лимберг усулида ва 3 нафари – 14,3 % Л.Е.Фролова усулида ўтказилган.

Хулоса: Юқорида келтирилган ўрганиш натижаларига асосланиб, туғма танглай нуқсони иккиламчи деформациялари кузатилган беморларда оптимал операция усулини танлашда фойдаландик.

Адабиётлар:

1. Kamalova M.K., Raximov S.SH. Secondary deformities of congenital cleft palate in children: comprehensive diagnosis and choice of treatment methods // Journal of Medicine and innovations. – Tashkent, 2024. Issue 1(13). - P.256-265.
2. Камалова М.К., Рахимов С.Ш. Вторичные деформации врождённых расщелин нёба у детей: комплексная диагностика и выбор методов лечения // “Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия” , -том 3, выпуск 1(6), Ташкент, 2024. - С. 113-119
3. Камалова М.К., Рахимов С.Ш. Применение комплексной диагностики и усовершенствованного метода лечения у детей с вторичными деформациями врождённых расщелин нёба // Международная научно-практическая конференция «Инновационные технологии хирургии, анестезиологии и реаниматологии детского возраста» - Бухара, 2024. – С. 243-244
4. Камалова М.К., Рахимов С.Ш. Инновационные методы профилактики и лечения врождённых расщелин верхней губы и нёба у детей // Материалы международной научно-практической конференции “Инновационные решения в челюстно-лицевой хирургии” . - Ташкент, 2023. - С. 54-57.
5. Kamalova M.K., Raximov S.SH. Congenital cleft lip and palate in children: etiological risk factors, prevention methods // American Journal of Research. - USA, - 2023. - Issue 3-4. - P.155-164.
6. Камалова М.К., Рахимов С.Ш. Врождённая расщелина верхней губы и нёба у детей: этиологические факторы риска, методы профилактики // Journal of Advanced Scientific Research. -Iran, 2023. - Vol. 3. - Issue 2. - P. 12-20.
7. Kamalova M.K., Raximov S.SH. Analysis of the detection of the frequency and causes of congenital cleft of the upper lip and palate in children // Scientific

and international conference on medical education, health science and patient care. - New Delhi, India, 2023. P. 6-9.

8. Камалова М.К., Рахимов С.Ш. Анализ выявления частоты и причины врождённых расщелин верхней губы и нёба у детей // “Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги Республика 51-қўп тармоқли илмий конференцияси. - Тошкент, 2023. - Б. 18-20.

9. Камалова М.К. Медико-социальный и клинико-экономический анализ лечения и профилактики кариеса зубов у детей дошкольного возраста // «Tibbiyotda yangi kun» научно - реферативный, культурно - просветительский журнал. - Бухара, 2020. - №3(33). - С. 79-80.

10. Камалова М.К. Оценка результатов внедрения программ профилактики кариеса зубов у детей дошкольного возраста // «Журнал Медицина и инновации». - Ташкент, 2021. - №4. - С. 680-684.

11. Камалова М.К. Оценка экономической эффективности программ профилактики лечения кариеса зубов у детей дошкольного возраста // «Tibbiyotda yangi kun» научно - реферативный, культурно - просветительский журнал. - Бухара, 2020. - №4(34). - С. 173-176.

12. Камалова М.К. Социально-экономический эффективность программ профилактики и лечения кариеса зубов у детей дошкольного возраста // «Образование и наука в XXI веке» международный научно-образовательный электронный журнал. - Россия, 2020. - №9. - Т.3. - С. 149-155.

13. Камалова М.К., Маслак Е.Е., Каменнова Т.Н., Осокина А.С., Афонина И.В., Огонян В.Р. Результаты лечения очаговой деминерализации эмали временных резцов у детей раннего возраста // «Tibbiyotda yangi kun» научно - реферативный, культурно - просветительский журнал. - Бухара, 2020. - №3(31). - С. 355-357.

14. Камалова М.К. Организация стоматологической помощи при лечении кариеса зубов у детей дошкольного возраста // «Биология ва тиббиёт

муаммолари» международный научный журнал. - Самарканд, 2019. - №4.2 (115). - С. 221-224.

15. Маслак Е.Е., Камалова М.К. Проблемы организации стоматологической помощи детям дошкольного возраста // *Biomeditsina va amaliyot jurnali*. - Ташкент, 2020. -№. 1. -С. 26-32.